

ЛОЙИХА-СМЕТА ХУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ УЧУН ШАРТНОМА № 229

2022 йил 11 11

Наманган шаҳри

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Наманган вилоят ҳокимлигининг Ягона буюртмачи инжиниринг компанияси номидан Низом асосида иш юритувчи директор Д. **Матмусаев** бир томондан ва кейинги ўринларда «Бажарувчи» деб юритиладиган «**Namangan Sanoat Loyiha**» ХК номидан Низом асосида иш юритувчи корхона директори **З. Азимов** иккинчи томондан, мазкур **Наманган шаҳар Янги Наманган тумани Ғирвонсой кўчасида жойлашган Динамо спорт мажмуасини мукамал таъмирлаш объекти** учун лойиха-смета хужжатларини тайёрлаш шартномасини тузиб имзоладилар.

I. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. **Бажарувчи** мазкур шартнома шартларига кўра лойиха-смета хужжатларини тайёрлаб бериш (ЛСХ ва бирламчи лойиха олди хужжатлари билан бирга) лойиха-смета хужжатларини тайёрлаш, ушбу ЛСХ бўйича муаллифлик назоратини амалга ошириш мажбуриятини олади. **Буюртмачи** эса **Бажарувчига** лойиха-смета хужжатларини бажариш учун зарур бўлган шароитларни яратиш, уларни қабул қилиш ва инвестор томонидан ажратилган маблағлар ҳисобидан тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

II. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ ҚОИДАЛАРИ

2.1. Мазкур шартнома бўйича, ишчи лойиха-смета хужжатларини тайёрлаб бериш учун Бажарувчи томонидан бажариладиган ишлар қиймати жорий нархларда **ҚҚС билан 25 150 000 (Йигирма беш миллион бир юз эллик минг) сўмни ташкил этади** ва мазкур шартноманин 2-иловасидаги лойиха ишларини бажариш жадвалига мувофиқ бажарилади.

2.2 Мазкур шартнома Ғазначилик бўлиmidан рўйхатдан ўтгандан сўнг ҳамда Буюртмачининг объект бўйича шахсий ҳисоб варағига тегишли бюджетдан маблағ тушганидан сўнг 10 кун ичида шартнома суммасининг 30% миқдорда аванс тўловини амалга оширади.

2.3 Бажарилган ишлар учун жорий молиялаштириш объект бўйича экспертиза хулосаси олиниб ва 3 (уч) нусхада лойиха-смета ва бирламчи хужжатларни Буюртмачига далолатнома асосида расмийлаштириб тақдим этилгандан сўнг, Буюртмачининг объект бўйича тегишли бюджетдан ажратилгандан маблағлар доирасида 15 кун ичида амалга оширилади. Бунда «Буюртмачи» «Бажарувчи» олдида тўлик ёки ўз вақтида молиялаштирилмаган маблағлар учун жавобгар эмас.

2.4 Шартномада кўрсатилган объект бўйича олиб бориладиган муалифлик назорати ушбу шартнома қиймати доирасида ҳисобланади.

2.5 Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқиш мумкин эмас, куйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- ✓ ишлар қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;
- ✓ ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда.

2.6 Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар **Буюртмачи, Бажарувчи** ўртасидаги шартномага қўшимча қилишув битими билан расмийлаштирилади.

III. БАЖАРУВЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1 Мазкур шартнома бўйича **Бажарувчи** мазкур шартноманин II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

✓ лойиха ва қидирув ишларини бажариш учун дастлабки маълумотларнинг ҳаққонийлигига жавобгардир;

✓ лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиққандан сўнг лойиха-смета хужжатларини давлат экспертизаси ва комплекс экспертизадан ўтказишни ўз зиммасига олади;

✓ тайёр бўлган лойиха-смета хужжатларини буюртмачи ва фойдаланувчи ташкилотлар (шу жумладан ободонлаштириш, сув таъминоти, электр тармоқлари, газ таъминоти ташкилотлари) билан келишиб олиши шарт;

✓ барча ишларини мазкур **шартномада ҳамда унинг 1 ва 2 иловасига** мувофиқ лойиха ишларни бажариш учун шартномада назарда тутилган муддатларда ўз кучи билан бажариш ҳамда ишни **Буюртмачига** мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

✓ экспертизадан ўтган лойиха-смета хужжатларини 3 кун муддат ичида 3 (уч) нусхада буюртмачига тақдим этиш;

✓ ишларни бажариш давомида **Буюртмачи** томонидан талаб қилиб бориладиган

маълумотлар ва шошилини (оператив) сўровларни 3 кун муддатда тақдим этиш;

✓ бажарувчи томонидан объект бўйича тайёрланган (ишлаб чиқарилган) лойиха смета ҳужжатларидаги қабул қилинган лойиха ечимлари ва ҳисоб китоб ишлари бўйича кейинчалик аниқланган камчиликлар қолдириб кетилган иш ҳажмларидаги йўл қўйилган хатоликлар натижасида етказилган зарарларни бажарувчи тўлиқ қоплайди ҳамда буюртмачи олдида мулкый жавобгар бўлади;

✓ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда ва белгиланган муддатларда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади;

✓ Буюртмачи розилигисиз лойиха-смета ҳужжатларини учинчи шахсга бермаслиги шарт.

3.2. **Бажарувчи** мазкур шартнома бўйича барча ишларни ўз кучи билан зарур тарзда бажарилиши ҳамда тайёр муҳандислик ҳисобларини ўз вақтида топшириш учун **Буюртмачи** олдида тўлиқ ҳамда мулкый жавоб беради.

3.3 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 ноябрдаги ПФ-5577-сон фармонида асосан объектни қуришнинг барча босқичларида муаллифлик назорати мажбурийдир ва Лойихачи шартнома қиймати доирасида муаллифлик назоратини олиб бориши шарт;

✓ Бажарувчи лойиха-смета бўйича қурилаётган объектга ҳар ойда 3 мартаба муаллифлик назорати учун бориши шарт.

3.4 Лойихачи лойиха-смета ҳужжатлари ва қидирув ишларидаги камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик қурилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган лойиха-смета ҳужжатлари ва бажарилган қидирув ишлари маълумотлари асосида барпо этилган объектни ишлатиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгар бўлади. Лойиха-смета ҳужжатларида ёки қидирув ишларида камчиликлар аниқланган тақдирда Лойихачи Буюртмачининг талаби билан лойиха-смета ҳужжатларини бепул қайта ишлаб чиқиши ва шунга мувофиқ зарур қўшимча қидирув ишларини бажариш, шунингдек, агар қонунда ёки шартномада белгиланган бўлмаса, келтирилган зарарни буюртмачига тўлаши шарт.

IV. БУЮРТМАЧИНING МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Мазкур шартномани бажариш учун **Буюртмачи**:

✓ ишлар бажарилиши шартномада қайд этилган **Бажарувчи** томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, **Бажарувчидан** тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

✓ **Бажарувчининг** барча мурожаатларини **10 (ўн) кун** муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

✓ **Бажарувчига** бюджетдан ажратилган маблағлари ҳисобидан аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

✓ Ушбу шартнома бўйича лойиха сметалари учун бюджетдан ажратилган маблағлар етарли бўлмаса, ушбу маблағларни тўлаш бўйича буюртмачи жавобгар бўлмайди;

✓ Мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

4.2 Тайёрланган лойиха-смета ҳужжатларини ёки бажарилган қидирув ишларининг камчиликлари борлиги муносабати билан учинчи шахс томонидан буюртмачига нисбатан кўзгатишган даъво аризаси бўйича ишга қатнашишга Лойихачи жалб қилиниши шарт.

V. ИШЛАРНИ ТОПШИРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

5.1 Бажарилган ишларни топшириш ва қабул қилиш лойиха-смета ҳужжатларини бажариш лойиха олди топшириғи талабларига биноан белгиланади.

5.2 Ишлар бажарилишининг алоҳида босқичи ва шартнома бўйича белгиланган жами ишлар тугагандан сўнг Лойихачи Буюртмачига ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси билан ҳужжатлар тўпламини топширади.

5.3 Буюртмачи ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси ва мазкур шартноманинг 5.2 бандида кўрсатилган ҳисобот ҳужжатларини олгандан сўнг 10 кун мобайнида ишларни қабул қилиш ва Лойихачига имзоланган топшириш ва қабул қилиш далолатномасини ёки ишларни қабул қилмасликни асосланган рад жавобини юборишни ўз зиммасига олади.

5.4 Буюртмачи ишларни қабул қилмаслигининг асосли рад жавобини берган ҳолда зарур бўлган қўшимча ишларнинг рўйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини кўрсатган ҳолда икки томонлама далолатнома тузади.

5.5 Агар ишларни бажарилиш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса, томонлар 5 кун муддат ичида уни тўхтатиш тўғрисида бир-бирларини хабардор қилиши ва 15 кун ичида ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт.

5.6 Лозим топилган ҳолларда томонлар ҳолис экспертизага лойиха бўйича ҳулоса учун мурожаат қилиши мумкин.

V. ТҶЛОВЛАР ВА ХИСОБ-КИТОБЛАР

5.1. Буюртмачи Бажарувчига шартнома шартларига асосан тўловларни амалга оширилади.

VI. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

6.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари (форс-мажор) натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатларни юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

6.2. Агар енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда **Бажарувчи** ва **Буюртмачи** ишларни давом этдириш ёки уларни вақтинча тўхтатиб туриш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

6.3. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

VII. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

7.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармасдан ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

✓ иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;
✓ Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, маҳаллий бюджетдан ажратилган маблағни ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Бажарувчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг **0,5 фоизи** миқдоридан пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий миқдори кечиктирилган тўлов суммасининг **50 фоизидан** ошмаслиги лозим.

✓ Бажарувчи лойиха-смета ҳужжатларини ўз вақтида бажармаганлиги бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг **0,5 фоизи** миқдоридан пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар қийматининг **50 фоизидан** ошмаслиги лозим.

✓ Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Бажарувчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг **0,5 фоизи** миқдоридан пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг **50 фоизидан** ошмаслиги керак.

✓ Пеня тўлаш Бажарувчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

VIII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

8.1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Наманган туманлараро иқтисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

IX. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

9.1 Мазкур шартнома имзолангандан кейин, шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

9.2 Бажарувчи лойиха-смета ҳужжатларига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

9.3 Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолаган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

9.5 Буюртмачи билан Бажарувчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

9.6 Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

9.8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 14 сентябрдаги ПФ-6313-сонли Фармони

талабларидан келиб чиқиб,

- тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугагандан сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатларни содир қилмасликни;

- тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлашни;

- ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ёки унинг ижрояи органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабатлар юзасидан қонунга ҳилоф равишда норасмий пул ёки моддий қийматликлар олинишда йўл қўйилмаслик ва таклиф этмасликни қафолатлайди.

9.9 Мазкур шартнома 3 нусхада тузилади ва ғазначилик бўлими рўйхатидан ўтгандан сўнг кучга киради.

9.10 Ушбу шартноманинг амал қилиш муддати 2022 йил 31 декабргача. Шартноманинг амал қилиш муддати тугаши тарафларнинг шартнома бўйича мажбуриятлари бекор бўлишига олиб келади.

IX. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

БУЮРТМАЧИ:

Наманган вилоят ҳокимлигининг

Ягона буюртмачи инжиниринг компанияси

Манзил: Наманган ш. Амир Темура кўчаси 105-уй Телес
233-06-11

ш/х*: 100021860144017083100135011

бюджетдан маблағ олувчи СТИРи: 204 808 298

ОКЭД: _____

Ғазначилик бўлинмаси номи: Ўзбекистон Республика

Молия Вазирлиги Ғазначилиги

Ғазна х/в.: 2340 2000 3001 0000 1010

Тошкент шаҳри Марказий Банк ХККМ

МФО: 00014, СТИРи: 201 122 919

Директор:  Д. Матмусаев



БАЖАРУВЧИ:

“Namangan Sanoat Loyiha” ХК

Манзил: Наманган шаҳри,

Н. Намонгоний кўчаси 18-уй.

Тел/факс: 91-184-48-84/227-86-90

Ўз. Р. ТИФ “Миллий банк”

Наманган бўлими

Х/р: 2020 8000 0042 9619 8001

МФО: 00222, ИНН: 204 715 779

ОКЭД: 41100

Директор:  З. Азимов




Ҳуқуқий экспертиза-хулосаси

Ушбу пудрат шартнома лойиҳасини амалдаги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида ҳуқуқий экспертиза қилиб, шартнома лойиҳаси қонунчилик ҳужжатларига мос келишлигини аниқладим.

Шу сабабли, ушбу шартномани имзоласа бўлади деб ҳисоблайман.

Компания ҳуқуқий маслаҳатчиси



К. Тулашев « _____ » _____ 2022 йил

« 11 » 11 / 2022 йил
120 -сонли шартномага
№1-сонли илова

Ишларни амалга ошириш баҳосини аниқлаш

С М Е Т А С И

**Наманган шаҳар Янги Наманган тумани Ғирвонсой кўчасида жойлашган
Динамо спорт мажмуасини мукаммал таъмирлаш.**

Буюртмачининг номи: **Наманган вилояти Ягона буюртмачи инжиниринг компанияси**

Лойиха таъкилотининг номи: **“Namangan Sanoat Loyiha” ХК**

т/р	ишларнинг номи	лойихалаш ва кидирув учун нархлар тупламининг қисмлар, боблар, жадваллар ва бандлари	баҳосини ҳисоблаш	баҳоси сўм ҚҚС билан
1	2	3	4	5
1	Наманган шаҳар Янги Наманган тумани Ғирвонсой кўчасида жойлашган Динамо спорт мажмуасини мукаммал таъмирлаш объекти учун лойиха- смета ҳужжатларини ҳаражати Курилиш қиймати 872 052 704 сўм ҚҚС билан	Лойиха-тадқиқот ишларини қийматини аниқлаш тартиби тўғридаги Низомнинг 1 илова 39,1 т.р, 3-илова 4 т.р. Мураккаблик тоифаси – 2	872 052 704 х х 0,02884	25 150 000
Жами:				25 150 000

Смета бўйича жами ҚҚС билан: **25 150 000** (Йигирма беш миллион бир юз эллик минг) сўм.

“Namangan Sanoat Loyiha” ХК директори



3. АЗИМОВ

МУХОКАМА АХБОРОТИ

«11» ноябр 2022 йил

Наманган ш.

Наманган вилояти ҳудудидаги Наманган вилоят ҳокимлигининг ягона буюртмачи.Инжиниринг компанияси ташкилоти томонидан 2022 йил 01 ноябр № 22110012171475-сонли лотга асосан Ўзбекистон республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги № 684-сонли “Давлат харидлари “ тўғрисидаги қонунни 56 ва 58 моддалари талабларидан келиб чиқиб энг яхши таклифларни танлаш тури бўйича Наманган шаҳар Янги Наманган тумани Ғирвонсой кўчасида жойлашган Динамо спорт мажмуасини мукамал таъмирлаш объекти учун лойиха-смета ҳужжатларини тайёрлаш режалаштирилган. Шунга асосан белгиланган муддатлар асосида Ўзбекистон республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги №684-сонли “Давлат харидлари “тўғрисидаги қонунни 60 ва 61 моддалари талабларидан келиб чиқиб танлов савдолари ўтказилди. Мазкур савдо якуни бўйича НАМАНГАН САНОАТ ЛОЙИХА КТХФ томонидан берилган таклифлар комиссия аъзолари иштирокида энг мақбули деб топилди. Ушбу танлов жараёнлари бўйича расмийлаштирилган баённомалар “Давлат харидлари “тўғрисидаги қонунни 62 моддасига асосан Давлат буюртмачиси томонидан расмийлаштирилган кунда Давлат харидларининг электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди.Шунга асосан икки иш кун ичида танлов иштирокчилари томонидан танлов ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушмади. Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқиб, буюртмачи ва харид комиссияси томонидан ғолиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилиши мумкинлиги белгилаб олинди. Муҳокама учун белгиланган муддат тугаганидан кейин келиб тушган эътирозлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

Компания директори



Д.Матмусаев

"ТАСДИҚЛАЙМАН"

Наманган вилоят ҳокимининг
қўриқбосари

С.Султанов

2022 йил




Наманган вилоят маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан қуриладиган объектлар бўйича
МАНЗИЛИЙ РЎЙҲАТИ

(Наманган вилояти Кенгашининг 20.10.2022 йилдаги №ҲТ-34-129-6-0-К/22-сонли қарорига асосан)

№	Объектларнинг номи ва жойлашуви	Қурилиш бошланиши ва фойдаланишга топшириш йили	Лойiha қуввати	Объектнинг умумий қиймати (шартнома асосида) жумладан, буюртмачи бошқа харажатлари	01.01.22 й. ҳолатига объект қолдиқ қиймати жумладан, буюртмачи бошқа харажатлари	01.01.22 й., ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг (қайта ҳисоблаш билан) қолдиқ қиймати жумладан, буюртмачи бошқа харажатлари	01.01.22 й., ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг молиялаштириш қолдиғи жумладан, буюртмачи бошқа харажатлари	Капитал қўйилмаларни 2022 йилдаги истикболи					2022 йилда фойдаланишга топширилмаган		01.01.23 й. ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг (қайта ҳисоблаш билан) қолдиқ қиймати жумладан, буюртмачи бошқа харажатлари	01.01.23 й., ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг молиялаштириш қолдиғи жумладан, буюртмачи бошқа харажатлари	Лойiha экспертиза санаси ва рақами	Темпер саналари тасдиқланган объект санаси ва рақами	Пудратчи қурувчи ташкилот номи
								Жами капитал қўйилмалар	Шу жумладан			Қувват/мудат	Асосий фонд суммаси						
									ҚМИ	Жинхоналар	Буюртмачи харажатлари								
А	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19
1	Наманган шаҳар Янги Наманган Ғирвонсой кўчасида жойлашган Динамо спорт мажмуасини мукамал таъмирлаш	2022й	Объект	*	*	*	*	300,000	273,760		26,240		Объект						Танлов
2	Наманган тумани Тошбулок шаҳарчаси 2-БЎСМ ўйингоҳини мукамал таъмирлаш	2022й	Объект	*	*	*	*	200,000	185,140		14,860		Объект						Танлов
3	Турақўрғон тумани 2-БЎСМга қарашли Ёшлик марказий ўйингоҳини мукамал таъмирлаш	2022й	Объект	*	*	*	*	700,000	666,810		33,190		Объект						Танлов
4	Уйчи тумани 1-БЎСМ ўйингоҳини мукамал таъмирлаш	2022й	Объект	*	*	*	*	200,000	179,550		20,450		Объект						Танлов
	Жами							1 400,000	1 305,260		94,740								

Вилоят ҳокимлигининг ягона буюртмачи
инжиниринг компанияси директори



Д.Матмусоев

Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 171475 на приобретение Наманган шахар Янги Наманган тумани Ғирвонсой кўчасида жойлашган Динамо спорт мажмуасини мукамал таъмирлаш объекти учун лойиха-смета хужжатларини тайёрлаш

Способ проведения электронный

Дата 08.11.2022

Время рассмотрения 08.11.2022 10:47

Закупочная комиссия Вилоят хокимлигининг Ягона буюртмачи инженеринг компанияси, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	YULDASHOV KOMILBOY GANIYEVICH	Иқтисодий масалалар бўйича директор ўринбосари	Наманган вилоят ЯБИК
Секретарь комиссии	ТОҶТАБАҲҲЕВ АКРАМЖОН ВОҚИҲЕВICH	Бош мутахассис	Наманган вилоят хокимлигининг ягона буюртмачи инжиниринг компанияси
Член комиссии	ALIMOV DONIYOR MAMATXONOVICH	ўринбосар	Наманган вилоят қурилиш соҳасида худудий назорат инспекцияси
Член комиссии	DEDAXANOV FARXOD BAKHODIROVICH	Бош мутахассиси	Наманган вилоят Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаси
Член комиссии	SAYDAXMEDOV ISLOMxon ABDUMAXMUDxon O'G'LI	"Лойиха ва пудрат ташкilotлари фаолятини мувофиқлаштириш бўлими" бошлиғи	Вилоят қурилиш бош бошқармаси
Член комиссии	JALILOV SHOKIRJON ZOKIRJONOVICH	Етакчи мутахассиси	"SHAHARSOZLIK HUUJATLARI EKSPERTIZASI" ДУК Наманган вилоят филиали

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 08.11.2022 года № лота 171475.

Метод оценки предложений – Метод наименьшей цены

Мин. балл: 60

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуга по разработке проектно-сметных работ
Подробное описание	Наманган шахар Янги Наманган тумани Ғирвонсой кўчасида жойлашган Динамо спорт мажмуасини мукамал таъмирлаш объекти учун лойиха-смета хужжатларини тайёрлаш (бирламчи лойиха олди хужжатлари бирга тайёрлаш)
Количество товара	1.00
Единица измерения	

Цена товара (услуги) за единицу	25 190 000.00
Стартовая сумма	25 190 000.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Лойихачи ташкилот ҳақида умумий маълумотлар

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
НАМАНГАН САНОАТ ЛОЙИХА КТХФ	20	Умумий маълумотлар	19	Экспертная		
KELAJAK-S XK	20	Лойихачи ташкилот ҳақида умумий маълумотлар	20	Экспертная		

Критерий №2 Мавжуд оргтехника (компьютер, принтер, лойиҳалаш дастурлари) ва бошқалар рўйхати

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
НАМАНГАН САНОАТ ЛОЙИХА КТХФ	20	Мавжуд оргтехника	20	Экспертная		
KELAJAK-S XK	20	Мавжуд оргтехника (компьютер, принтер, лойиҳалаш дастурлари) ва бошқалар рўйхати	15	Экспертная		

Критерий №3 Лойиҳалаш (Қурилиш) майдонини кўрганлик ва лойиҳани ўрганганлик тўғрисида маълумотнома

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
НАМАНГАН САНОАТ ЛОЙИХА КТХФ	5	Майдонини кўрганлик ва лойиҳани ўрганганлик тўғрисида	2	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
		маълумотнома				
KELAJAK-S XK	5	Лойиҳалаш (Қурилиш) майдонини кўрганлик ва лойиҳани ўрганганлик тўғрисида маълумотнома	2	Экспертная		

Критерий №4 Лойиҳачи ташкилотнинг ташкилий структураси

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
НАМАНГАН САНОАТ ЛОЙИХА КТХФ	5	Корхона структураси	5	Экспертная		
KELAJAK-S XK	5	Лойиҳачи ташкилотнинг ташкилий структураси	2	Экспертная		

Критерий №5 .Лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш жараёнида ёрдамчи лойиҳа ташкилотни жалб қилиш тўғрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
НАМАНГАН САНОАТ ЛОЙИХА КТХФ	5	Ёрдамчи лойиҳа ташкилотни жалб қилиш тўғрисида маълумот	2	Экспертная		
KELAJAK-S XK	5	Лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш жараёнида ёрдамчи лойиҳа ташкилотни жалб қилиш тўғрисида маълумот	2	Экспертная		

Критерий №6 Танлаш иштирокчисининг молиявий кўрсаткичлари, салоҳияти) тўловга қодирлиги ва айланма маблағлар билан таъминланганлиги тўғрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
НАМАНГАН САНОАТ ЛОЙИХА КТХФ	20	Молиявий холати	20	Экспертная		
KELAJAK-S XK	20	Танлаш иштирокчисининг молиявий кўрсатгичлари, салохияти) тўловга қодирлиги ва айланма маблағлар билан таъминланганлиги тўғрисида маълумот	20	Экспертная		

Критерий №7 Танлаш иштирокчисининг аввалги йилларда лойиҳалаш ишлари бўйича бажарган иш тажрибаси

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
НАМАНГАН САНОАТ ЛОЙИХА КТХФ	20	Иш тажрибаси	18	Экспертная		
KELAJAK-S XK	20	Танлаш иштирокчисининг аввалги йилларда лойиҳалаш ишлари бўйича бажарган иш тажрибаси	20	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
KELAJAK-S XK	25 190 000.00	25 180 000.00 UZS	25 180 000.00	00.00	25 180 000.00	05.11.2022 16:29:43	99.88086
НАМАНГАН САНОАТ ЛОЙИХА КТХФ	25 190 000.00	25 150 000.00 UZS	25 150 000.00	00.00	25 150 000.00	03.11.2022 16:32:55	100

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
KELAJAK-S XK	Прошел	99.88086	99.88086

НАМАНГАН САНОАТ ЛОЙИХА КТХФ	Прошел	100	100
--	--------	-----	-----

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 171475 от 08.11.2022 года на приобретение Наманган шаҳар Янги Наманган тумани Ғирвонсой кўчасида жойлашган Динамо спорт мажмуасини мукамал таъмирлаш объекти учун лойиха-смета ҳужжатларини тайёрлаш определила победителем:

НАМАНГАН САНОАТ ЛОЙИХА КТХФ
204715779

и резервный исполнитель: KELAJAK-S ХК (202430660)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	YULDASHOV KOMILBOY GANIYEVICH	Согласен	
Член комиссии	ALIMOV DONIYOR MAMATXONOVICH	Согласен	
Член комиссии	DEDAXANOV FARXOD BAXODIROVICH	Согласен	
Член комиссии	SAYDAXMEDOV ISLOMXON ABDUMAXMUDXON O'G'LI	Согласен	
Член комиссии	JALILOV SHOKIRJON ZOKIRJONOVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП